

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

ШАРТНОМА №27749

Тошкент ш.

2022 йил “20” 06

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “YANGI-HAYOT PROJEKT” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-001759-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Раимбердиев А.Н. иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022йил 16-июндаги 100099-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 307-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда) объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорийнаҳрлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) **51 500 000 (Эллик бир миллион беш юз минг) сўмни** ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси

ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-илоvasида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳукуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуксонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуксонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларикамчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатларива бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларинибепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огохлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огохлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бор иши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирс.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдириш нома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансabdор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф

равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти "YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING
KOMPAINIYA" ДУК

Юридик манзили:
100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,
16а-уй. 400021860262777088805251007



Директор в.б.

Р.У. Кучкаров

БАЖАРУВЧИ

"YANGI-HAYOT PROJEKT" МЧЖ

Адрес: г. Ташкент, ул. Ахангаранский
шоссе, Д-6, кв-2.

Тел: +99897 410 02 13

Р/с: 20 208 000 9053 7281 4001

ШБ Эрон "Содерот" Банки Тошкент ш.

МФО 00950

ИНН 308372631 ОКЭД – 41100

Директор

Раимбердиев А.Н.



Тошкент шаҳар

**“Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 307-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объектнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг
БАЁНИ**

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев	-Бош муҳандис в.б.
Ш. Қодиров.	-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи
Ҳамидов О.	-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи
Турсунов З.	-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)
Абдусатторов П.	-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси
Холмаматова М.	-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 307-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р.Кучкаров, С.Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Ҳамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 06 июн куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 00099 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва кўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “YANGI-HAYOT PROEKT” МСНҲ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш кунидан давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 16 июндаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 307-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “YANGI-HAYOT PROEKT” МСНЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари.


С. Сағдиев


Ш. Қодиров


О. Хамидов


П. Абдусатторов




М. Холмаматова

№	Объектлар номи ва манзили	Куршилган бошланғич факультетнинг ташкироти	Лойиҳа қилинган	Объектнинг умумий қиймати (шартнома шартлари бўлиши, буюртмалар, буюртмалар, буюртмалар)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлиши (қайта қилинган, қилинган, буюртмалар, буюртмалар)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлиши (қайта қилинган, қилинган, буюртмалар, буюртмалар)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлиши (қайта қилинган, қилинган, буюртмалар, буюртмалар)	2022 йил учун капитал қўйимлар дивиденти				2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлиши (қайта қилинган, қилинган, буюртмалар, буюртмалар)	Экспертлар қўйимлар рақами ва саноати	Тендер (шартнома) қўйимлар рақами ва саноати	Ташкилот номи		
								Жами капитал қўйимлар	Куршилган - монтаж ишлари	Жиҳоз	Буюртмачи бошла харолатлари		Куршилган/лу дат					Асосий фонд суммаси	
											Жами	Жами, саноати харолатлари							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
16	Яшловбол тумани 30-сон оилавий поликлиникасини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект					92,500			92,500		Объект						Тендер
17	Яшловбол тумани 31-сон оилавий поликлиникасини фойдаланиш реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тендер
18	Яшловбол тумани 32-сон оилавий поликлиникасини фойдаланиш реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тендер
19	Шайхонтоқур тумани 42-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тендер
20	Юнусбол тумани 97-сонли мактабгача таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект					90,400			90,400		Объект						Тендер
21	Юнусбол тумани 307-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тендер
22	Юнусбол тумани 366-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тендер
23	Юнусбол тумани 235-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тендер
24	Юнусбол тумани 191-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тендер

№	Объектлар номи ва мақсади	Қурилиш босқичи ва фойдаланиш топирилган йили	Лоика ҳақида	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида)	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати, жумладан, бўлганлиги, бошқа харajatлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати, жумладан, бўлганлиги, бошқа харajatлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ қиймати, жумладан, бўлганлиги, бошқа харajatлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ қиймати, жумладан, бўлганлиги, бошқа харajatлари	2022 йил учун капитал қўйилмалар дивиденти				2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ қиймати, жумладан, бўлганлиги, бошқа харajatлари	Экспортга хужасин рақамини ва санагини	Текшер (ташкил)лар катталиксизга бўйича фойдаланиш рақамини ва санагини	Ташкилот номи
									Жами капитал қўйилмалар	Куримани - мотлақ нақдлари	Жижкоз	Буноротидаги бошқа харajatлари	Жами	жумладан, санасини харajatлари				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	17	18	19	20
7	Олмазор тумани 20-сон оқшавай поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект					Текшер
8	Учтала тумани Туман кўп тармоқли марказий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					200,100			200,100		Объект					Текшер
9	Учтала тумани 23-сон оқшавай поликлиникасини муъамалд таъмирлаш	2022й	Объект					92,500			92,500		Объект					Текшер
10	Бексарой тумани Туман кўп тармоқли марказий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект					Текшер
11	Чиласкор тумани 36-сон оқшавай поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект					Текшер
12	Миробод тумани 1-сон оқшавай поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект					Текшер
13	Янгиқасёт тумани Туман кўп тармоқли марказий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект					Текшер
14	Яқсақорой тумани Туман кўп тармоқли марказий поликлиникасини асосий бинасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект					Текшер
15	Яқсақорой тумани 58-сон оқшавай поликлиникасини муъамалд таъмирлаш	2022й	Объект					92,500			92,500		Объект					Текшер

№	Объектлар номи ва мавзиси	Қурилиш босқичи	Лойиҳа қуввати	Объектнинг умуллий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи, бонна, хирозватларини	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи, бонна, хирозватларини	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи, бонна, хирозватларини	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (айта қилинган бўлса) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи, бонна, хирозватларини	2022 йил учун капитал қўйималар даражаси					2022 йилда фойдаланишга топширилган		Экспортга қўйилган рақам ва саноат	Тегизер (таъсир)лар кўрсаткичи бўлиши ёки рақам ва саноат	Ташқиот номи		
								Жакин капитал қўйималар	Куримал - мўлжал ишлари	Жикоз	Буғуртмачи болша харозатларини		Қувайт/му длат	Асосий фонд сўмасы					
											Жакни	жумладан, сакваш харозатларини							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
25	Юнусобод тумани 221-сонли мактабга ташқиот ташқиотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тегизер
26	Юнусобод тумани 288-сонли мактабга ташқиот ташқиотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тегизер
27	Юнусобод тумани 259-сонли умулталым мактабни реконструкция қилиш	2022й	Объект					134,000			134,000		Объект						Тегизер
28	Юнусобод тумани 265-сонли умулталым мактабни реконструкция қилиш	2022й	Объект					134,000			134,000		Объект						Тегизер
29	Юнусобод тумани 96-сонли умулталым мактабни реконструкция қилиш	2022й	Объект					134,000			134,000		Объект						Тегизер
30	Топсант шаҳри санитария эмпиеология осойишлагини ва жикозт саломатлиги хизмати бизнесини реконструкция қилиш	2022й	Объект					92,500			92,500		Объект						Тегизер
31	Миробод тумани Туман санитария эмпиеология осойишлагини ва жикозт саломатлиги хизмати бизнесини музавал ташқиот	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тегизер
32	Мирро Улуғбек тумани Туман санитария эмпиеология осойишлагини ва жикозт саломатлиги хизмати бизнесини музавал ташқиот	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тегизер
33	Сергали тумани Туман санитария эмпиеология осойишлагини ва жикозт саломатлиги хизмати бизнесини музавал ташқиот	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тегизер

79	Объектлар номи ва максими	Куришиш бошланғи ва соддашган фойдаланишга топшириш йили	Лоёсқа кўватли	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмалари, бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими) қиймати жумладан, буюртмалари, бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими) қиймати жумладан, буюртмалари, бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйималар аялиги						2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими) қиймати жумладан, буюртмалари, бошқа харажатлари	Экспертга ҳулосаси рақам ва санои	Тендер (тақлиф)лар катталиксига бўйича Бىёнома рақами ва санои	Ташвиқот номи	
							Жадин капитал қўйималар	Куришиш - монтаж ишлари	Жаноз	Буюртмалари бошқа харажатлари	Жами	Кўмак/кулаят	Асосий фонд суммаси						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
34	Учтепа тумани Тушан санитария эпидемиология осойишталлиги ва жанозот саломатлиги хизмати Биносини мукамил таъмирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тендер
35	Юнусобод тумани Тушан санитария эпидемиология осойишталлиги ва жанозот саломатлиги хизмати Биносини мукамил таъмирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тендер
36	Янгибобул тумани Тушан санитария эпидемиология осойишталлиги ва жанозот саломатлиги хизмати Биносини мукамил таъмирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тендер



Handwritten signature